

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.І.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АЛТИНБЕК ЯНГИБАЕВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич

Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш
методологиясини такомиллаштириш 3

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич

Совершенствование методологии повышения уровня ликвидности
коммерческих банков 35

Abdullayev Altinbek Yangibaevich

Improvement of the methodology of increasing the level of liquidity of
commercial banks 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.І.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АЛТИНБЕК ЯНГИБАЕВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt55 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бобакулов Тулкин Ибадуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилов Алишер Агзамович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор суръатларда тараққий этиб бориши банк тизими ликвидлилигининг мустаҳкам даражада таъминланганлигига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда қатор мамлакатлар иқтисодиётида давом этаётган инқирозли вазиятлар хусусан, инвестицияларни жалб этишда миллий пул бозорлари фаолиятининг халқаро миқёсда интеграциялашуви кучайиши таъсирида мамлакат банк тизими ликвидлилик даражасининг заифлашуви, шунингдек, банкларнинг актив ва пасивлари номутаносиблиги натижасида миллий иқтисодиётларнинг рецессия томон юз тутиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳозирда аксарият хорижий мамлакатлар банк тизимида инқирознинг салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда. Хусусан, бундай салбий тенденциялар Греция, Ирландия, Португалия, Испания, Кипр каби мамлакатлар банк тизимида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда¹. Бу эса, мамлакат банк тизимининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш учун, аввало, пул бозорини шакллантириш, муддатли барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк активлари сифатини ошириш, банк ва филиалларнинг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар етишмаслигини молиявий ресурслар билан таъминлаш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар улушини кўпайтириш, банкларга бўлган ишончни ошириш, банклар ўртасида рақобатбардошликни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида кутилаётган инқироз шароитида банк тизими фаолиятининг эластиклигини такомиллаштириш, юзага келадиган шок ҳолатларини барвақт аниқлаш, юқори ликвидли активлар адекватлигини мустаҳкамлаш, активларнинг нақд пулларга айланишини таъминлаш, ноликвидли активлар ва қимматли қоғозларни маблағлар билан барқарор молиялаш, кейинги 30 календарь куни мобайнида ликвидлиликка қўйилган талабларни турли сценарийлар асосида тартибга солиш зарурати кучайиб бормоқда. Шунга кўра, активларни узоқ муддатли барқарор манбалар билан молиялаш, активлар ва пасивлар таркибида юзага келувчи муаммоларни ҳал этиш, ликвидлилик рискининг олдини олишда барқарор қарздорликни молиялаш, ликвидли активлар захирасини қисқа муддатли маблағлар билан молиялаш, банкларда қўлланиладиган дастлабки хавф сигнали ва хавфсизлик тўрларини банк тизимида мослаштирган ҳолда қўллаш чора-тадбирларига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислохотлар шароитида банк тизими ликвидлилик даражасини қўллаб-қувватлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Банк тизимини ривожлантириш, жумладан, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш, инвестицияларни самарали жалб қилиш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирилувчи инвестициялар улушини

¹Европа Марказий банки расмий веб сайти – <https://www.ecb.europa.eu>

кўпайтириш, узоқ муддатли ресурслар танқислиги шароитида қисқа муддатли ресурслар ортиқчалигини трансформациялаш, банкларнинг депозит базасида муддатли ва жамғарма депозитлар салмоғини ошириш, муддати ўтган ва муаммоли кредитларни кескин қисқартириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан тижорат банклари маблағларининг етарлилиги ва ликвидлилик даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш»² асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, тижорат банклари ликвидлилик даражасини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ва унинг методологик асосларини такомиллаштириш, натижада банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериш, уларнинг самарадорлигини тизимли асосда баҳолашга қаратилган назарий-

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. – www.lex.uz.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тайёрланган: <https://www.harvard.edu/>; <https://www.boj.or.jp/en/>; <https://www.bis.org/bcbs/>; <http://www.unam.edu.na/>; <http://www.worldbank.org/>; <http://www.imf.org/external/index.htm>; <http://www.hanyang.ac.kr/web/eng/>; <http://www.ebrd.com/home>; <https://www.uchicago.edu/>; <http://www.ox.ac.uk/>; <http://unecon.ru/>; <http://www.rgsu.net/>

услугий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Harvard University, World bank, University of Chicago, International Monetary Fund (АҚШ), Monetary and Economic Studies (Япония), Basel Committee on Banking Supervision (Швецария), University of Namibia (Намибия), European Bank for Reconstruction and Development, Oxford University (Буюк Британия), Hanyang University (Жанубий Корея), Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов (Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

Тижорат банкларининг ликвидлигини мустаҳкамлашга доир жаҳон миқёсида олиб борилган тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Кейнс моделлари асосида иқтисодиётнинг нақд пуллар ва фоизларга бўлган талабининг тўғри ва тесқари функционал боғлиқлиги «ликвидлиликни афзал кўриш» назариясидаги фаразлардан бири сифатида илмий асослаб берилган (Harvard University, АҚШ); молиявий муассасалар ликвидлигини тартибга солиш усуллари ёрдамида таъсир қилиш орқали жамғарма маблағларини тақсимлашнинг самарадорлик даражасини ошириш аниқланган ва баҳоланган (Bank of Japan, Monetary and Economic Studies, Япония); ликвидлилик рискин бошқаришни такомиллаштиришнинг услубий жиҳатлари асосланган (Basel Committee on Banking Supervision, Швецария); мамлакатнинг реал ялпи миллий маҳсулоти, валюта сиёсати ва инфляция каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тижорат банклари ликвидлигига таъсири аниқланган ва баҳоланган (University of Namibia, Намбия); Марказий банкнинг очик бозор операциялари турларини кўпайтириш, қайта молиялаш воситасининг банклар ликвидлигига таъсирини кучайтириш йўли билан монетар сиёсатни такомиллаштиришга асосланган (Hanyang University, Жанубий Корея); тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солишда хориж банклари тажрибасини умумлаштириш асосида банклар ликвидлигини таъминлаш ва тартибга солиш йўналишлари аниқланган ва баҳоланган (Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, Россия).

Жаҳонда банк тизими ликвидлигининг методологик, илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: молиявий-иқтисодий инқироз шароитида банк тизимининг ликвидлилик рисқи даражасининг кескин ошишига йўл қўймаслик; банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда тижорат банклари ликвидлилик кўрсаткичининг ролини ошириш; тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини таъминлашда монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш йўли билан тўлов тизимининг узлуксизлигига эришиш; банк назорати бўйича Базель кўмитасининг талабларига мувофиқ тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг ликвидлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва услубий жиҳатлари бир қатор, жумладан, узоқ хориж мамлакатларидан A.Bangia, P.Bernstein,

P.Brockman, D.Covitz, D.Chung, C.Downino, F.Diebold, P.Decker, L.Erzegovesi, T.Schuermann, J.Stroughair, A.Subramanian, K.Huang, F.Fernandez каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Л.А.Аскерова, Б.А.Базыров, Н.П.Белотелова, И.А.Борисова, А.Е.Гусева, М.Б.Диченко, М.В.Зайков, В.В.Иванов, Е.Н.Котляров, Е.Ю.Лялькова, Д.В.Никитин, Е.В.Неволина, Т.М.Рашидов, П.С.Шальнов⁵ кабиларнинг илмий асарларида тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш борасидаги илмий хулосалар берилган. Хусусан, банк фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш ва назоратни яхшилаш орқали банкларнинг ликвидлилик даражасини ошириш Б.А.Базыров томонидан асосланган бўлса, Т.М.Рашидов эса, банк ликвидлилигини нивелирланган рисклар шароитида бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари борасида илмий ёндашувларни асослаб берган. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар бир қатор ўзбекистонлик олимлар, жумладан, Ш.З.Абдуллаева, О.Ф.Абдусаломова, О.Қ.Абдурахмонов, Т.И.Бобакулов, Б.Т.Бердияров, А.В.Вахабов, Н.Х.Жумаев, О.К.Иминов, А.А.Исмаилов, С.Х.Норқобилов, А.А.Омонов, О.Б.Сатторов, Ш.Б.Рузметов, Р.Р.Тожиев, О.А.Йўлдошев⁶нинг

⁴ Bangia, A., Diebold, F., Schuermann, T., and Stroughair, J. (1999) "Modeling liquidity risk with implications for trading market risk management," Working Paper, University of Pennsylvania; Bernstein, P. (1987) "Liquidity, stock markets, and market-makers," Financial Management, Summer; Brockman, P and Chung, D. (2001) "Managerial timing and corporate liquidity: evidence from actual share repurchases," Journal of Financial Economics, Vol. 61, No. 3 (Sept); Decker, P. (2000) "The changing character of liquidity and liquidity risk management," Chicago: Federal Reserve Bank of Chicago; Covitz, D. and Downino, C. (2002) "Insolvency or liquidity squeeze? Federal Reserve Bank Bulletin, Washington, DC: FRB; Erzegovesi, L. (2002) "Var and liquidity risk," Working Paper, University of Trento, Italy; Fernandez, F. (1999) "Liquidity risk: new approaches to measurement and monitoring," Working Paper, Securities Industry Association; Gorton, G. and Huang, K. (2002) "Liquidity, efficiency, and bank bailouts," Working Paper, University of Pennsylvania; Jarrow, R. and Subramanian, A. (1997) "Mopping up liquidity risk," Risk, Dec. 10.

⁵ Аскерова Л.А. Теоретико-методические основы оценки ликвидности коммерческих банков: автореферат ... к.э.н. – Махачкала, 2006. – 19 с.; Базыров Б.Б. Повышение ликвидности банков: автореферат ... к.э.н. – Иркутск, 2000. – 18 с.; Белотелова Н.П. Политика коммерческих банков по оптимизации финансовой устойчивости и ликвидности: автореферат ... д.э.н. - Москва, 2007. - 32 с.; Борисова И.А. Ликвидность и проблемы ее обеспечения в рыночной экономике: автореферат ... к.э.н. – Москва, 2003. – 19 с.; Гусева А.Е. Ликвидности коммерческих банков в системе денежно-кредитного регулирования экономики: автореферат ... к.э.н. – Москва, 2000. – 18 с.; Диченко М.Б. Теория и методология регулирования ликвидности коммерческих банков: автореферат ... д.э.н. – Санкт-Петербург, 1997. – 32 с.; Зайков М.В. Управление ликвидностью коммерческого банка на основе модели среднесрочного прогнозирования: автореферат ... к.э.н. – Москва, 2004. – 19 с.; Иванов В.В. Управление банковской ликвидностью: автореферат ... к.э.н. – Москва, 2001; Котляров Е.Н. Управление ликвидностью коммерческого банка: автореферат ... к.э.н. – Санкт-Петербург, 2009. 19 с.; Лялькова Е.Ю. Обеспечение ликвидности коммерческих банков; автореферат ... к.э.н. – Иваново, 2013. – 18 с.; Никитин Д.В. Проблемы оценки и обеспечения ликвидности коммерческих банков; автореферат ... к.э.н. – Иваново, 2004. – 18 с.; Неволина Е.В. Банковская ликвидность: сущность и организация эффективного управления: автореферат ... к.э.н. – Саратов, 2000. – 18 с.; Рашидов Т.М. Управление ликвидностью коммерческого банка на основе нивелирования рисков: автореферат ... к.э.н. – Ростов-на-дону, РИНХ. 2016. 25 с.; Шальнов П.С. Механизм управления ликвидностью Российского коммерческого банка: автореферат ... к.э.н. – Москва, ВШЭ, 2006. 22 с.

⁶ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш: и.ф.д. ... автореферати. - Тошкент, БМА, 2000. 46 б.; Абдусаломова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари: и.ф.н. ... автореферати. – Тошкент: БМА, 2002. 20 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари: и.ф.д. ... автореферати. - Тошкент: БМА, 2008. 33 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. и.ф.н. ... автореферати. - Тошкент, БМА. 2002. 21 б.; Вахабов А.В. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини оширишда капиталлаштиришнинг ўрни // Банк тизимини

илмий ишларида тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашнинг баъзи жиҳатлари ўз аксини топган.

Профессор Ш.Абдуллаева банкнинг ликвидлилигини таъминлашда рискларни инобатга олиш имкониятларини аниқлаган ва баҳолаган бўлса, профессор О.Иминов банкларнинг кредит амалиёти шароитида ликвидлилик масалаларини таъминлашнинг алоҳида хусусиятлари тўғрисида ўз илмий ёндашувларини асослаб берган. Шунингдек, профессор Н.Жумаев молиявий инқироз шароитида мамлакатда банкнинг ликвидлилигини сақлаб қолиш ва уни таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни берган. Доцент Р.Р.Тожиев эса тижорат банкларининг ликвидлилигини инновацион бошқариш орқали банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратган.

Юқорида келтирилган маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларида тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган яхлит тадқиқотнинг олиб борилмаганлиги мазкур мавзунинг тадқиқ этилиши заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2012-2016 йилларга мўлжалланган ФМ-5 – «Ўзбекистон банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлилик даражасини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк ликвидлилигини таъминлашнинг ривожланиш босқичларини тизимлаштириш ва унинг назарий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ва муаллиф ёндашувини асослаш;

банк ликвидлилигини таъминлаш шарт-шароитлари ва мезонларининг илмий-услубий асосларини тадқиқ қилиш;

такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. - Б. 29-35.; Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. – Т.: Akademnashr, 2010. – 160 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. ... автореферати. - Тошкент, БМА, 2001. 21 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асослари такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. - Тошкент, БМА. 2016. 31 б.; Норқобилов С. ва бошқ. Халқаро амалиётда банк назорати. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. – 180 б.; Омонов А.А. Банк капиталини самарали бошқариш масалалари: и.ф.н. ... автореферати. - Тошкент, БМА, 2004. 21 б.; Сатторов О.Б. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферати. - Тошкент, БМА. 2008. 21 б.; Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари: и.ф.н. ... автореферати. – Тошкент: БМА. 2009. 18 б.; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг инновацион стратегияси: и.ф.н. ... автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2011. 20 б.; Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферати. – Тошкент, БМА. 2011. 18 б.;

банк ликвидлилигини таъминлаш восита ва усулларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашнинг методологик асосларини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда банк ликвидлилигини таъминлашнинг ривожланиш тенденцияларининг услубий ва ҳуқуқий асосларини баҳолаш;

Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлилигининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш асосида мавжуд тенденцияларни аниқлаш ва баҳолаш;

банкнинг ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини баҳолаш механизми бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш;

Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлилиқ даражасини оширишнинг амалдаги ҳолатини эконометрик таҳлил қилиш;

банк ресурслари айланмаси ва таркибининг таянч модели асосида уларнинг цикллилигини таъминлашнинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

тижорат банклари ликвидлилиқ даражасининг эҳтимоллик қийматларини концептуал модель асосида баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;

ликвидлилиқ рискинни барвақт аниқлаш ва бартараф этишда турли сценарийларни қўлланган ҳолда ликвидлилиқ позицияларининг стресс-тестларини ўтказиш услубини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолият олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини мустаҳкамлаш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таркибий ёндашув, қиёсий таҳлил, миқдорий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, ГЭП-таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

натижалар мутаносиблиги ва оптималлигини текширишда банк активлари ва пасивлари муддат ва миқдор бўйича мутаносиблиги ҳамда банк ресурслари таянч моделини инobatга олган ҳолда тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини баҳолаш механизми ишлаб чиқилган;

банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиявий меъёрлари билан тижорат банкларининг жорий баланс кўрсаткичларини қиёслаш асосида уларнинг ликвидли фаолиятини молиявий таҳлил қилиш услуби такомиллаштирилган;

банк маълумотлари асосида тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этиш даражасини баҳоловчи кўп омилли чизиқли регрессия тенгламаларининг натижавий маълумотлари асосида ликвидлилиқнинг ўрта ва узок муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

банк ресурслари таянч модели асосида уларнинг айланмаси ва таркибининг такрорий янгилиниш жараёнлари циклик бажарилишининг методологик шартлари белгилаб берилган;

банкнинг ликвидлилик эҳтимоллик қийматини табақалаштирилган мезонлар асосида баҳолаш йўли билан ликвидлилик даражасини баҳолаш концептуал модели асослари ишлаб чиқилган;

ликвидлилик рискинни барвақт аниқлаш ва бартараф этишда турли сценарийлар асосида ликвидлилик позицияларини стресс-тестдан ўтказиш услуги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларини ресурслар билан таъминлаш орқали уларнинг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш асослари белгиланган;

тижорат банклари ликвидлилик даражасини таъминлашнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган;

тижорат банкларининг лаҳзали ва жорий ликвидлилик даражасининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик эконометрик жиҳатдан баҳолаб берилган;

банк айланмаси ва таркибининг такрорий янгиланиш жараёнлари циклик бажарилиши асосида ресурслар ҳажмининг даврий кўпайишининг илмий прогнози ривожланишини таъминлаш жорий этилган;

тижорат банклари ликвидлилик эҳтимоллик қийматларини баҳолаш услубидан уларнинг ликвидлилик даражасини баҳолашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва методологиянинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистонда тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштиришни ўрганиш ва мавзуга оид банкларнинг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлашга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан мамлакатимиз миқёсида тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини янада таъминлаш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банк активлари ва пасивларининг муддатига ва миқдорига кўра мутаносиблигини ҳамда банк ресурслари айланмаси ва таркибининг таянч моделини инобатга олган ҳолда тижорат банклари ликвидлилик даражасини баҳолаш механизми бўйича таклифи АТБ «Қишлоқ қурилиш банк», АТ «Алоқабанк» ва АТБ «Турон банк» амалиётига жорий этилган (АТБ «Қишлоқ

қурилиш банк»ининг 2017 йил 25 сентябрдаги 05/15-28-10282-сон, АТ «Алоқабанк»ининг 2017 йил 28 сентябрдаги 19-12/4366-сон ва АТБ «Турон банк»ининг 26 сентябрдаги 11/03-439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф асосида тижорат банкларининг жорий ликвидлилик коэффициенти 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,8; 2,6 ва 2,9 фоизга ўсишига эришилган;

банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиявий меъёрлар билан тижорат банкларининг 2015-2016 йиллардаги жорий баланси кўрсаткичларини қиёслаш орқали банк ликвидлигини молиявий таҳлил қилиш таклифи АТБ «Қишлоқ қурилиш банк», АТ «Алоқабанк» ва АТБ «Турон банк» амалиётига жорий этилган (АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг 2017 йил 25 сентябрдаги 05/15-28-10282-сон, АТ «Алоқабанк»ининг 2017 йил 28 сентябрдаги 19-12/4366-сон ва АТБ «Турон банк»ининг 26 сентябрдаги 11/03-439-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф асосида банк фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллардаги фарқлар мос равишда 1,6; 2,1 ва 2,5 фоизга пасайган;

ликвидлиликнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини аниқлаш доирасидаги таклифи АТБ «Қишлоқ қурилиш банк», АТ «Алоқабанк» ва АТБ «Турон банк» амалиётига жорий этилган (АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг 2017 йил 25 сентябрдаги 05/15-28-10282-сон, АТ «Алоқабанк»ининг 2017 йил 28 сентябрдаги 19-12/4366-сон ва АТБ «Турон банк»ининг 26 сентябрдаги 11/03-439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф асосида тижорат банклари жорий ликвидлилик коэффициенти 2,9; 3,6 ва 3,7 фоизга ўсишига эришилган;

банк ресурслари айланмаси ва таркибининг таянч модели асосида уларнинг такрор янгиланиш шартларининг циклик бажарилишини таъминлаш услуги бўйича таклифи АТБ «Қишлоқ қурилиш банк», АТ «Алоқабанк» ва АТБ «Турон банк» амалиётига жорий этилган (АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг 2017 йил 25 сентябрдаги 05/15-28-10282-сон, АТ «Алоқабанк»ининг 2017 йил 28 сентябрдаги 19-12/4366-сон ва АТБ «Турон банк»ининг 26 сентябрдаги 11/03-439-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф асосида банк ресурслари операцияларининг ҳажми 2015 йилда 2014 йилга нисбатан мос равишда 9,1; 10,1 ва 12,3 млрд. сўмга ўсишига эришилган;

тижорат банклари ликвидлилик даражасининг эҳтимоллик қийматларини концептуал модель орқали баҳолаш йўли билан ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш бўйича таклифи АТБ «Қишлоқ қурилиш банк», АТ «Алоқабанк» ва АТБ «Турон банк» амалиётига жорий этилган (АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг 2017 йил 25 сентябрдаги 05/15-28-10282-сон, АТ «Алоқабанк»ининг 2017 йил 28 сентябрдаги 19-12/4366-сон ва АТБ «Турон банк»ининг 26 сентябрдаги 11/03-439-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф асосида 2015-2016 йиллар оралиғидаги ойлик маълумотлар асосида тижорат банкларининг ликвидлилик коэффициенти 2016 йилда 2015 йилга нисбатан мос равишда 4,2; 4,2 ва 4,2 фоизга ўсишига эришилган;

тижорат банкларининг ликвидлигини стресс-тестдан ўтказиш орқали ликвидлилик бўйича эҳтимолий рискларни камайтириш ва фавқулоддаги ҳолатларга чидамликни таъминлаш бўйича таклифи АТБ «Қишлоқ

қурилиш банк», АТ «Алоқабанк» ва АТБ «Турон банк» амалиётига жорий этилган (АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг 2017 йил 25 сентябрдаги 05/15-28-10282-сон, АТ «Алоқабанк»ининг 2017 йил 28 сентябрдаги 19-12/4366-сон ва АТБ «Турон банк»ининг 26 сентябрдаги 11/03-439-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф асосида 2015 йилдаги маълумотлар асосида уч вариантли сценарийларни қўллаган ҳолда сарф қилинган маблағларни коплаш учун талаб қилинадиган қўшимча маблағлар 6,7; 6,9 ва 7,1 фоизга ўсишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот доирасида олинган натижалар 24 та, жумладан 10 та республика ва 14 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 257 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, синовдан ўтказилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Банк ликвидлиги ва уни таъминлашнинг назарий ва услубий асослари»** номли биринчи бобида банк ликвидлиги ва уни таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган, банк ликвидлигининг услубий асослари ва мезонлари, банк ликвидлигини таъминлаш восита ва усулларига хос хусусиятлар асослаб берилган, шунингдек, масалани ўрганиш бўйича илмий ёндашувларнинг ривожланиш босқичлари ва омилларига аниқлик киритилган.

Иқтисодий адабиётларда банкнинг ликвидлиги назариясида бир-биридан кескин фарқланувчи ва кўпчилик ҳолларда бир-бирини инкор қилувчи мунозарали ҳолатлар, хулосалар кўп учрайди. Хусусан, Ж.Кейнс томонидан шакллантирилган «ликвидлиликни афзал кўриш» назариясидаги психологик мотивга кўра, ликвидлилик олинган даромадларни пул шаклида

сақлашга бўлган иштиёқи, иқтисодий субъектлар ўртасидаги шартнома шартларини ҳар қандай шароитда бажаришда пул маблағларидан фойдаланишдаги қулай восита, нақд пуллар билан инсон қўллари таъминланганда «мутлақ ликвид» , мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришда тўлов воситасидир ⁷ . Муаллифнинг «ликвидлиликни афзал кўриш» назарияси муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, у дунёнинг кўпчилик мамлакатлари амалиётида ўз исботини топган. Хусусан, ушбу назариянинг амалиётга татбиқи АҚШ иқтисодиётини Иккинчи жаҳон урушидан кейинги 15 йил мобайнида инқирозсиз ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутган.

Ж.Матук ликвидлиликни «қарз мажбуриятларини миқдори ва муддатига кўра пул эгаларига қайтариб беришдаги банкнинг имконияти» дея талқин этган бўлса⁸ , О.И. Лаврушин ликвидлиликни «омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида ва йўқотишларсиз бажаришдаги банкнинг қобилятидир. Банк мажбуриятлари реал ва шартли мажбуриятлардан иборат бўлиб, реал мажбуриятлар баланс пасивларидаги барча турдаги депозитлар (омонатлар), банклараро кредитлар, кредиторлик қарзларидан; шартли мажбуриятлар эса балансдан ташқари актив ва пасив операциялардан шаклланади»⁹ мазмундаги фикрларни қўллаб-қувватлайди.

Умуман, тижорат банклари ликвидлилик даражасининг методологик асосларига нисбатан ўзбекистонлик қатор олим ва тадқиқотчилар илмий муносабатларини баён этганлар. Жумладан, Ш.Абдуллаева «ликвидлилик банкнинг барча миқозлари олдидаги қарз ва молиявий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олиши» деб эътибор қаратган бўлса, О. Саттаров «ликвидлилик банкнинг жорий ва келажакдаги мажбуриятлари ва тўловлари, кредит бўйича миқозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириш ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилятлар йиғиндисидир» деб хулосалар берган. Т.Қоралиев «банк ликвидлиги – ўз активларидан нақд пул сифатида фойдаланиши ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда пул маблағларига тезда айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплай олиш қобилятидир» , деб таъкидлайди.

Фикримизча, келтириб ўтилган тадқиқотчилар ўз илмий ишларида банк ликвидлигининг моҳиятини тўлиқ ёритиш ҳамда банклар фаолияти бўйича ўзига хос хусусиятлар ва вақтга боғлиқ параметрлар ҳисобга олинган, бироқ банк активлар ўсишини пул маблағлари билан таъминлаш ҳамда банк рискларини пасайтиришга эътибор қаратилмаган.

Иқтисодчи олимларнинг ликвидлилик тушунчасига доир илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий ўрганиш натижасида банк ликвидлигининг моҳиятини тўлароқ ёритиб беришга хизмат қилувчи қуйидаги таъриф шакллантирилди: «банк ликвидлиги банк фаолиятига

⁷ Кейнс Дж.М. Общая теории занятости, процента и денег. Пер. с англ. – Москва: Гелюс АРВ, 1999. – С.193.

⁸ Матук Ж. Финансовые системы Франции и других стран. В 2-х тт.: Пер. с фр. Т.1. в 2 кн. Кн.1. – М.: АО «Финстатинформ», 1994. С.295.

⁹ Банковское дело: /Под ред.. О.И.Лаврушина. – М.: ИНФРА, 2009. С. 438.

миқдорий баҳо ва сифатий тавсиф берувчи кўрсаткич бўлиб, зарур пайтда молия бозоридан ликвидли маблағларни арзон нархларда депозитларга жалб қилиш, активлар ўсишини ресурслар билан таъминлаш, банк рискларини камайтириш, юқори ликвидли ва ликвидли активлар ҳажмини мақбул даражада мустаҳкамлаш, муддати келган барча реал ва шартли мажбуриятларни ўз вақтида ва келгусида йўқотишларсиз, тўлиқ бажариш имкониятидир» .

Тижорат банкларининг ликвидлиги тўловга қодирлик, кредитга лаёқатлилиқ, ишончлик, молиявий барқарорлик, банк ликвидлигининг меъёрий-ҳуқуқий асослари каби тушунчалар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракатланади ва шу тариқа тизимнинг бир бутунлиги таъминланади. Тижорат банклари ликвидлигининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бирламчи аҳамиятга эга тушунча ҳисобланиб, унда тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш тамойили тўлиқ акс эттирилган бўлиши лозим.

Банк ликвидлиги ва тўловга қодирлик атамалари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, улар ўзаро фарқ қилган ҳолда банк мажбуриятларини бажаришда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Банк ликвидлиги тўловга қодирликнинг зарур шarti сифатида намоён бўлади. Аммо банк ликвидлиги билан алоқадор айрим тушунчалар ривожланишда давом этиб, тизимга ҳамда иқтисодиётнинг ҳолатига, айрим даврий оралиқларда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, инфляция даражасининг ўсиши банк ликвидлиги, тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлиги ва кредит лаёқатлилигининг заифлашувига таъсир кўрсатади ҳамда банкка нисбатан ишонч пасаяди.

Тадқиқотнинг ушбу бобида амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, фикримизча, банкнинг ликвидлигини тартибга солишда қуйидаги тамойилларга таяниш жоиз: банк актив ва пасивларининг муддати ва миқдорига кўра мутаносиблиги; банк ликвидлигининг узлуксизлигини таъминлаш; банк ликвидлигини марказлашган тарзда бошқариш; банк ликвидлигини ҳуқуқий тартибга солиш; банк ликвидлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларнинг молиявий ва мулкий жавобгарлиги; банк ликвидлигини таъминлашда тўловларнинг даврий кетма-кетлиги; банк ликвидлигини таъминлашнинг қиёсланувчанлиги; банк ликвидлигини таъминлашда эҳтиёткорлик; банк мажбуриятлари бўйича тўловларнинг мажбурийлиги.

Фикримизча, 1-расмдаги тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини баҳолаш механизми ликвидлилиқ кўрсаткичлари билан ўзаро алоқадор элементларнинг биргаликда ҳаракатланиши, бир-бирларини тўлдириб бориши, тизимнинг бир бутунлигини таъминлаши, банкнинг ликвидлилиқ кўрсаткичларининг қай даражадалигини аниқлаш учун хизмат қилади.

Пул оқимлари усули ёрдамида банк активлари ва пасивларининг муддати ва миқдорига кўра мутаносиблиги бирламчи аҳамиятга эга элемент сифатида тижорат банкларининг жорий ва келгуси даврдаги ликвидлилиқ

даражасининг натижадорлигини баҳолаш учун қуйидаги формула таклиф этилди:

$$P_{t_n} = \sum P_i^0 p_i + \sum P_j^1 p_j, \quad Q_{t_n} = \sum Q_i^0 p_i + \sum Q_j^1 p_j, \quad P_{t_n} = Q_{t_n} \quad (1)$$

бунда t_0 - жорий сана; n - прогноз кунлар сони; P_{t_n} ва Q_{t_n} - прогноз қилинган кунлар учун мос равишда актив ва пасивлар миқдори; муддати ва даромад келтиришига кўра белгиси билан фарқ қиладиган активлар ёки пасивлар гуруҳининг i - индекси; t_0 моментдаги активларга (P_i^0) ва пасивларга (Q_i^0) мос i та гуруҳлар; P_j^1 - активларга мос j та гуруҳга жойлаштиришга мўлжалланган тахминий маблағлар; Q_j^1 - пасивларга мос j та гуруҳига жалб қилишга мўлжалланган тахминий маблағлар; келгуси t_n давр учун активлар (P_i) ёки пасивлар (Q_i) турлари бўйича балансда акс эттириладиган p_i кўрсаткич; келгуси t_n давр учун пасивлар (Q_i) кўринишда жалб этишга мўлжалланган маблағлар ёки мўлжалланган маблағларнинг активларга (P_i) жойлашувида акс эттирилувчи p_j кўрсаткич.



1-расм. Тижорат банкларининг ликвидлик даражасини баҳолаш механизми¹⁰

¹⁰Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар асосида муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

«Банк ликвидлигини таъминлашнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришда хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари» деб номланган иккинчи бобда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган, умумлаштирилган ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг «Банк муассасалари ликвидлигини бошқаришнинг асосий усуллари» тавсияномасида саккизта гуруҳда халқаро умумэтироф этилган 14 та тамойил асосида банк ликвидлигини бошқаришнинг умумий механизми ҳамда «Ликвидлилик rischi ва унинг назоратини самарали бошқариш тамойиллари» тавсияномасида халқаро умум этироф этилган 17 та тамойил асосида ликвидлилик riskини бошқариш самарадорлигини ошириш ва хўжалик субъектларининг банкларга ишончини мустаҳкамлашнинг умумий механизми тавсия қилинади.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банкларнинг ликвидлигини янада тубдан ислоҳ қилишда унинг янги лойиҳасини жаҳон банк секторларига тавсия этган. Лойиҳанинг асосий мақсади инқироз шароитида банк секторининг эластиклигини такомиллаштириш, шок ҳолатлар юзага келган вазиятларда мавжуд имкониятларни яхшилаш, молиявий сектордан то иқтисодиётнинг реал секторигача ораликда юзага келувчи ортиқча riskларни минимал даражада пасайтиришдан иборат. Ушбу лойиҳада банк секторининг ликвидлигини таъминлашга қаратилган (ликвидлиликни қоплаш ва соф барқарор молиялаштириш) меъёрлари ҳисобга олинади.

Ликвидлиликни қоплаш меъёрининг асосий мақсади банкларда ликвидлилик riskининг эластиклигини ҳаракатга келтириш, юқори ликвидли активларнинг адекватлигини мустаҳкамлаш, активларнинг нақд пулларга айланишини кафолатлаш, кейинги 30 календарь куни давомида ликвидлилик талабларини ликвидлилик инқирози сценарияси асосида мувофиқлаштиришдан иборат. Манбалардан қатъий назар, ушбу меъёр инқироз шароитида юзага келадиган шок ҳолатларининг олдини олиш ҳамда банк секторининг имкониятини мустаҳкамлашни ҳисобга олади.

Ликвидлиликни қоплаш меъёрини ҳисоблаш учун қуйидаги формула тавсия этилган:

$$P_t = A_t : S_t \geq 100\% \quad (2)$$

бунда P_t - ликвидлиликни қоплаш меъёри; A_t - юқори ликвидли активлар; S_t - кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим.

Ликвидлиликни қоплаш меъёри банкда тасодифий ҳодисаларнинг юзага келишини баҳолашда ликвидлиликни қоплашнинг анъанавий методологиясига асосланади. Мазкур меъёр одатда юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 календарь куни давомидаги жами соф чиқимга нисбати 100% га тенг ёки ундан ортиқ бўлиши, шунингдек, юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 календарь куни давомида кутилиши мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишлар (мажбуриятларни сўндириш)ни барвақт аниқлайди.

Соф барқарор молиялаштириш меъёрининг мақсади узок муддатли давр давомида банкларни рағбатлантириш учун эластикликни ҳаракатга келтириш, банклар фаолиятини узок муддатли барқарор манбалар билан молиялашдан иборат бўлиб, йил давомида актив ва пасивлар таркибида юзага келадиган муаммоларни таъминлашдан иборат. Ушбу меъёр йил давомида банк активларининг ликвидлилик хусусиятларига асосланган ҳолда барқарор молиялашнинг минимум миқдорини белгилаш, назоратини мустаҳкамлаш, ликвидлилик рискинни барвақт аниқлашга таркибий ўзгартиришлар киритиш, активлар билан боғлиқ операцияларни узок муддатли барқарор молиялашнинг минимал механизмининг ҳаракатга келтириш, барқарор қарзларни ҳамда ликвидли активлар захирасини қисқа муддатли маблағлар билан молиялаш ва кейинги 30 календарь куни давомида белгиланган меъёрга яқинлаштиришга имконият яратади.

Соф барқарор молиялаш меъёрини ҳисоблаш учун қуйидаги формула тавсия этилган:

$$N_t = F_t : M_t \geq 100\% \quad (3)$$

бунда N_t - соф барқарор молиялаш меъёри; F_t - барқарор молиялашнинг мавжуд миқдори; M_t - барқарор молиялашнинг зарур миқдори.

Ушбу меъёр ноликвидли активлар ва қимматли қоғозларни маблағлар билан барқарор молиялашда баҳолашнинг анъанавий методологиясига асосланади. Маълумки, кўшимча барқарор молиялаш манбаларини банк мажбуриятлари билан кўзда тутилмаган мажбуриятлар ташкил этади. Барқарор молиялаш акциянинг тури ва миқдори, йил давомида фондларни ишончли манбалар билан таъминлаш активларнинг ликвидлилик хусусиятлари орқали белгиланади. Фикримизча, Ўзбекистон банк амалиётига Базель қўмитасининг методологияси ҳамда ликвидлилик меъёрларининг амалиётга жорий этилиши банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, ликвидлилик даражаси ва тўловга қодирликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АҚШ тажрибасига кўра, Федерал захира тизимида монетар сиёсатнинг такомиллашганлиги инфляцияни жиловлаш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. 2010-2017 йилларда АҚШ ФЗТ ҳисоб ставкаси ўзгармай қолган. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиёти ўсиш суръатларининг паст эканлиги билан изоҳланади. Ушбу даврда ФЗТ ҳисоб ставкаси паст даражада қолган бўлса-да, инфляциянинг сезиларли даражада ўсиши кузатилмаган. Бу эса, АҚШ ФЗТ монетар сиёсатининг такомиллашганлиги, хусусан, очик бозор операцияларининг ривожланганлигидан далолат беради. АҚШ ҳукумати қимматли қоғозларининг йирик эмитенти эканлиги ҳамда пуллар таклифини тартибга солиш бўйича такомиллашган механизмнинг яратилганлиги банк тизимининг ликвидлилик даражасини таъминлаш имконини бермоқда. АҚШнинг очик бозор сиёсати доирасида тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш ва инфляция суръатларининг ўсишига йўл қўймаслик борасидаги тажрибаси ҳам Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Япония Марказий банки АҚШ ФЗТ каби «миқдорий юмшатиш» сиёсатини олиб бормоқда. Бу эса, Япония иқтисодиётини узоқ йиллар мобайнида дефляция ҳолатида бўлиб келганлиги билан изоҳланади. Аммо Японияда давлат ташқи қарзи ва давлат бюджети дефицити даражасининг юқорилиги Марказий банк томонидан олиб борилаётган монетар сиёсатга таъсир кўрсатмоқда. Бунинг сабаби шундаки, Япония Марказий банки Ҳукумат томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини кўпайтиришга мажбур бўлмоқда.

Япония Марказий банки дисконт ставкасининг эластиклик даражасини ошириши ҳисоб сиёсатининг банк тизими ликвидлиги ва миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан таъсирини кучайтириш имконини беради. Бу эса, ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифининг кўпайишига олиб келади. Япония Марказий банкининг умумий талабларни рағбатлантиришга қаратилган экспансионистик монетар сиёсати доирасида тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш тажрибасини ўрганиш республикамиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Россия Марказий банкининг қайта молиялаш сиёсати асосида банк тизимининг ликвидлигига таъсир этиш ва пул массасининг мультипликатив кенгайишини таъминлаш борасидаги тажрибаси Ўзбекистон амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ликвидлик инқирози даврида Марказий банк томонидан ажратиладиган кредитлар тижорат банклари учун муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасида Ҳукумат қимматли қоғозларининг мавжуд эмаслиги Марказий банкка очик бозор операцияларини амалга ошириш имконини бермайди. Шу билан бирга, корпоратив қимматли қоғозлар республика Марказий банки очик бозор операцияларининг объекти ҳисобланмайди. Россия Марказий банкининг очик бозор операциялари орқали банк тизимининг ликвидлигига таъсир этиши борасидаги тажрибаси мамлакат банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

«Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлигининг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденцияси» деб номланган учинчи бобда республика тижорат банклари ликвидлигининг услубий ва амалий асослари бўйича жорий ҳолати таҳлил қилинган ҳамда мавжуд тенденциялар аниқланган, банк назорат бўйича Базель қўмитасининг меъёрларини қиёслаш асосида тижорат банкларининг ликвидли фаолиятини молиявий таҳлил қилиш услуби такомиллаштирилган, АҚШ ва миллий тижорат банклари мисолида таҳлил қилинган ҳамда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш амалиётининг замонавий ҳолати баҳоланган.

Миллий тижорат банкларининг ликвидлиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги уларни ривожлантиришнинг мустаҳкам манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги қонунининг саккизинчи бўлимида тижорат банклари ликвидлигидан фойдаланиш механизмининг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган. Мазкур қонуннинг саккизинчи бўлими 52-моддасида Марказий банк «банклар учун мажбурий бўлган ликвидлик ва капиталнинг

монандлик коэффицентларига доир иктисодий меъёрлар» ни белгилаш эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунида банкнинг ликвидлигига доир банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган. Шу жihatдан, мазкур қонун ҳам тижорат банклари ликвидлигининг меъёрий-ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда банкларнинг асосий эътиборларини ликвидликка бўлган омилларнинг таъсирини юмшатишга қаратмоқдалар. Биргина охириги беш йилда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ликвидликни мустаҳкамлаш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилган.

1-жадвал

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» нинг жорий ликвидлиги даражасига таъсир қилувчи омиллар динамикаси¹¹

Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар	Йиллар					2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши
	2013	2014	2015	2016	2017	
Йиллик инфляция даражаси, %	6,8	6,1	5,6	5,7	12,0	+5,2 ф.б.
Мажбурий захиралар ставкаси даражаси, %	12,5	12,5	12,5	12,5	12,5	0 ф.б.
Марказий банкнинг қайта молиялаш йиллик ставкаси даражаси, %	12,0	10,0	9,0	9,0	14,0	+2,0 ф.б.
Капиталнинг етарлилик даржаси, %	24,3	23,8	23,6	20,2	18,4	- 5,89 ф.б.
Бандлик даржаси, %	96,6	96,5	96,5	96,6	96,7	+0,1 ф.б.
Ликвидли активлар, млрд.сўм	203	242	398	428	620	3 баравар кўпайган
Мажбурий захира ажратмаси, млрд.сўм	44,3	36,4	56,3	90,5	5,3	8 баравар камайган
Депозитлар ҳажми, млрд сўм	518	640	879	1134	1300	2,5 бараварга кўпайган
Хусусий капитал, млрд. сўм	327	372	432	434	1081	3,5 бараварга кўпайган

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013-2017 йилларда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» и жорий ликвидлик даражаси 19,3 фоизли бандга кўпайган ҳолда қуйидаги омиллар таъсири билан белгиланади:

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ва Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий шарҳи маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмалари асосида тузилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси таҳлил қилинган даврда тижорат банкининг жорий ликвидлик даражаси 19,3 фоизли бандга кўпайганлиги. Мазкур банкнинг ликвидли активларининг кўпайиши ҳамда мажбурий захира ажратмасининг камайиш тенденцияси жорий ликвидлик даражасининг ошишига олиб келган. Бу жиҳатлар тижорат банкининг мажбуриятлари ўз вақтида ва йўқотишларсиз бажарилишини таъминлашдаги ижобий ҳолатни юзага келтириши мумкин.

2. Инфляция йиллик ўсиш даражасининг 5,2 фоизли бандга ошиши ҳамда капиталнинг етарлилик даражаси билан қайта молиялаш ставкасининг камайиш тенденцияси тижорат банки жорий ликвидлик даражасининг ошишига сезиларли салбий таъсир кўрсатмаганлигидан далолат беради.

2-жалвалда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиявий меъёрлари асосида АҚШнинг «Фултон банк» и ва Ўзбекистоннинг «Қишлоқ қурилиш банк» и жорий баланс кўрсаткичларини қиёслаш уларнинг ликвидли фаолиятига қатор омилларнинг таъсири орқали баҳоланиши келтирилган:

1. Тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир қилувчи омилларда салбий тенденцияларнинг мавжудлиги. Кассали активларнинг онколь ва муддатли мажбуриятларга нисбати меъёрга нисбатан «Фултон банк» ида 0,23 фоизли бандга, «Қишлоқ қурилиш банк» ида 0,29 фоизли бандга, қимматли қоғозлар портфелида маблағларнинг мажбуриятларга нисбати «Фултон банк» ида 0,35 фоизли бандга камайиши, «Қишлоқ қурилиш банк» ида 0 фоизли бандда бўлиши банк ликвидлиги даражасининг заифлашуви ҳамда мажбуриятларни ўз вақтида йўқотишларсиз таъминлашда салбий тенденцияларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

2. Тижорат банкларининг ликвидли фаолият юритиш самарадорлигининг паст даражадалиги. Маълумотларга кўра, активлардан олинган даромадлар меъёрга нисбатан 0,91 ва 0,93 фоизли бандга, олинган фойданинг эса 0,29 ва 0,30 фоизли бандга ҳамда капиталдан олинган фойданинг 0,81 ва 0,96 фоизли бандга паст эканлиги аниқланди. Демак, тижорат банклари ўз ресурсларини даромад келтирадиган активларга қулай жойлаштирмаганлиги уларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашда қийинчилик ҳолатларини юзага келтириши мумкин.

3. Тижорат банклари активлари, хусусий капитали ва даромадларининг сўм (доллар)га нисбатан таъсири паст даражадалиги. Маълумотларга кўра, активларнинг сўм (доллар)га нисбатан таъсири 0,47 ва 0,48 фоизли бандга, хусусий капиталнинг сўм (доллар)га нисбатан таъсири 0,54 ва 1,0 фоизли бандга, даромадларнинг сўм (доллар)га нисбатан таъсири 0,74 ва 0,73 фоизли бандга паст эканлиги аниқланди. Демак, тижорат банклари активлари, хусусий капитали ва даромадларининг сўм (доллар)га нисбатан таъсири паст даражадалиги уларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашда салбий тенденцияларни юзага келтириши мумкин.

Тижорат банклари ликвидли фаолиятининг молиявий таҳлили¹²

Кўрсаткичлар	Базель қўмитаси меъёри	АҚШ банки		Ўзбекистон банки	
		Фултон банки	Базель меъёрига нисбатан ўзгариши	Қишлоқ қурилиш банк	Базель меъёрига нисбатан ўзгариши
Капитал : Активлар	0,08 - 0,15	0,07	-0,08	0,10	-0,05
Онколь ва муддатли мажбурият:Активлар	0,5 - 0,7	0,90	+0,20	0,90	+0,20
Банк қарзлари : Активлар	0,2 - 0,35	0,04	-0,31	0,66	+0,31
Онколь мажбуриятлар: Мажбуриятлар	0,2 - 0,4	0,19	-0,21	0,08	-0,32
Муддатли омонатлар : Мажбуриятлар	0,1 - 0,3	0,71	+0,41	0,14	-0,16
Банк қарзлари : Мажбуриятлар	0,25 - 0,40	0,004	-0,39	0,78	+0,38
Бошқа мажбуриятлар : Мажбуриятлар	Минимумга яқинлашиш	0,03	Минимумга яқинлашди	0,002	Минимумга яқинлашди
Устав капитали : Хусусий капитал	> 0,5	0,17	-0,33	0,94	+0,44
Даромадли активлар : Активлар	0,75 - 0,85	0,70	-0,15	0,88	+0,03
Даромадли активлар : Ресурслар	>= 1,0	0,78	-0,22	1,00	0,00
Ссудалар : Мажбуриятлар	<0,6; > 0,7	0,71	+0,1	0,99	+0,29
Банк қарзлари : Банк ссудалари	>= 1,0; <= 1,0	0,03	-0,97	10,95	+9,95
Ссудалар : Хусусий капитал	<= 8,0	8,98	+0,98	8,78	+0,78
Мудати ўтган ссудалар : Ссудалар	<= 0,04	0,12	+0,08	0,02	-0,02
Ссуда захиралари : Ссудалар	<= 0,04	0,012	-0,028	0,02	-0,02
Банкнинг ликвидлиги					
Кассали активлар : Онколь мажбуриятлар	0,2 - 0,5	0,35	-0,15	1,49	+0,99
Кассали активлар: Онколь ва муддатли мажбуриятлар	0,05 - 0,3	0,07	-0,23	0,11	-0,29
Қиммат қоғоз портфели : Мажбуриятлар	0,15 - 0,4	0,05	-0,35	0,00	0,00
Банк ликвидли фаолиятининг самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар					
Фойда : Активлар	0,1 - 0,3	0,01	-0,29	0,004	-0,30
Фойда : Даромадлар	0,1 - 0,6	0,16	-0,44	0,04	-0,56
Даромадлар :Активлар	0,5 - 1,0	0,09	-0,91	0,07	-0,93
Фойда : Капитал	0,5 - 1,0	0,19	-0,81	0,04	-0,96
Мультипликатор капитали	8-16	14	2	10	6
Фоизли маржа : Даромадли активлар	0,1 - 1,0	0,96	-0,10	0,05	-0,95
Фоизсиз даромадлар : Фоизли харажатлар	1,0 – 5,0	1,75	-3,25	2,26	-2,74
Фоизли маржа : Активлар	0,1 - 0,5	0,03	-0,47	0,02	-0,48
Фоизсиз харажатларлар : Активлар	0,1 - 0,5	0,01	-0,49	0,00	0,50
Фоизли маржа : Хусусий капитал	0,6 - 1,0	0,46	-0,54	0,00	-1,00
Фоизли даромадлар : Хусусий капитал	1,2-1,7	1,06	-0,64	0,04	-1,06
Фоизсиз даромадлар : Даромадлар	0,5 - 1,0	0,26	-0,74	0,27	-0,73
Фоизсиз харажатлар : Даромадлар	0,5 - 1,0	0,10	-0,90	0,00	1,00
Фоизли маржа : Даромадлар	0,5 - 1,0	0,39	-0,61	0,50	-0,50
Фоизли даромадлар : Активлар	0,3 - 0,5	0,08	-0,42	0,07	-0,43
Фоизсиз даромадлар : Активлар	0,1 - 0,5	0,02	-0,48	0,01	-0,49
Даромадсиз активлар : Хусусий капитал	0,5 - 2,0	1,42	-0,58	1,05	-0,95
Даромадли активлар : Хусусий капитал	8-10	12	+2,0	7	-3,0

¹²Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар асосида муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

4. Тижорат банклари ликвидли фаолият юритиш билан боғлиқ кўрсаткичларнинг меъёрларга мувофиқ келмаслиги. Маълумотларга кўра, тижорат банкларининг аксарият кўрсаткичлари меъёрларга нисбатан талаблар бажарилмаганлиги билан аниқланди. Демак, тижорат банклари томонидан иқтисодий кўрсаткичларни мақбул даражада бошқара олмаслиги банк ликвидлигини таъминлашдаги заифлик тенденцияларини юзага келтириши мумкин.

Банкнинг ликвидлилик даражасини мустаҳкалашда, айниқса, банк операцияларининг риск турлари ва ликвидлилик тенденциясига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ, чунки банк рисклари операцияларни амалга оширишда кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий йўқотишларни юзага келтиришга сабаб бўлиши мумкин. Юқори даражали рискли активлар улушининг юқори миқдорда бўлиши банк ликвидлиги даражасининг паст даражада бўлишига олиб келади.

Мажбурий захира талаблари банк ликвидлигини тартибга солишда банк ресурсларининг таркибидаги асосий элементлардан бири бўлиб, у тижорат банкларининг инқирозга учрашининг олдини олиш ва банкларни ҳимоя қилиш механизми сифатида таъсир кўрсатади (захира ҳажми ва динамикасига таъсир этади), шунингдек, у ликвидликка таъсир кўрсатиш универсаллигини акс эттиради. Шу сабабли ҳам пул-кредит сиёсати органлари тижорат банкларининг фаолиятига мажбурий захира талабларини жорий этади, маблағларнинг марказлашган жамғармаси шаклланишига кўмаклашади, банк ресурсларининг муайян қисмини сақлаб туради, маблағларга эҳтиёжларни таъминлайди, банклар ўртасидаги рақобатбардошликни кучайтиради.

Қайта молиялаш воситаси эса, *биринчидан*, пулга бўлган таклифга таъсир кўрсатади, *иккинчидан*, банк ликвидлигини тартибга солувчи восита вазифасини бажаради ва ликвидликка кўрсатиладиган таъсир натижалари қарама-қаршилиги билан изоҳланади. Кредитлар миқдорини ошириш банк тизимининг ноликвидлигини камайтиради, аммо пулга бўлган таклифни оширади, инфляциянинг ўсишига имкон беради ва аксинча, кредит миқдорининг камайиши пулга бўлган таклифни камайтиради. Қайта молиялаш воситаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган бир кунлик кредит, овернайт ва ломбард кредитларини беришга кўмак беради.

Очиқ бозордаги операциялар банк ликвидлигини тартибга солишдаги ўзгарувчан восита бўлиб, Марказий банкнинг ҳисоб сиёсатига нисбатан қисқа муддатли конъюнктура орқали қимматли қоғозларни сотиш (сотиб олиш) курси бўйича ҳисоб ставкасининг ўзгариши тижорат банкларининг кредит операцияларига таъсир қилади. Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари тижорат банкларининг бўш турган ресурсларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бу эса кредит қўйилмалари миқдорининг кўпайишини (камайишини) рағбатлантиради.

Банк депозитлари (омонатлари)ни кафолатлаш тизими тижорат банкларида омонатлар кўпайишини рағбатлантиради, омонатчиларнинг


ижтимоий ҳимоясини таъминлайди, молиявий маблағларнинг эҳтимолий йўқотишларини кафолатлайди ва юзага келган йўқотишларни қоплаш орқали банкларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

«Ўзбекистонда тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини таъминлашнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўллари» деб номланган тўртинчи бобда тижорат банклари ликвидлилик даражасини таъминлаш ҳамда ликвидлилик рискинни бошқаришнинг амалий ва услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, банкларнинг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи халқаро CAMELS рейтинг тизими тавсия этилган.

Тадқиқотда миллий тижорат банклари ликвидлиги ҳамда ликвидлилик рисқи билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг такомиллашмаганлиги, мажбурий захира ставкаларининг юқорилиги, қайта молиялаш ставкаси эластиклик даражасининг пастлиги, тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш механизмида камчиликларнинг мавжудлиги ҳамда ликвидлилик рискинни бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштиришга заруратнинг мавжудлиги билан изоҳланди. Мазкур бобда республика тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш ҳамда банкларнинг ликвидлилик рискидан ҳимояланишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган (2-расм). Ушбу йўналишларнинг банк амалиётига татбиқ этилиши тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш ва уларни сифат жиҳатдан янги ривожланиш босқичига олиб чиқиши мумкин.

CAMELS рейтинг тизими тижорат банклари капиталининг етарлилиги, активлар сифати, менежменти, даромадлилик, ликвидлилик ва бозор рискига таъсирчанлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали уларнинг ликвидли фаолиятини мустаҳкамлаш ва молиявий барқарорлигини самарали баҳолаш учун хизмат қилади. Бунинг учун назорат органлари масофадан туриб банкларнинг барча ахборот воситаларини тўлақонли ўрганиши, шунингдек, миқдорий баҳолашларни амалга ошириш зарурати туғилганда экспертларнинг фикрларини инобатга олиши ёки ҳужжатларга тузатишлар киритиши мумкин. Мазкур рейтинг тизими бўйича банкнинг ликвидлилик фаолиятини баҳолашда беш балли рейтинг мезонларидан фойдаланилади ҳамда ундаги ҳар бир компонент алоҳида баҳолангандан сўнг, якуний рейтинг аниқланади, аксарият ҳолларда, компонентлар рейтинг коэффицентлари орқали баҳоланиши мумкин.

Якуний рейтинг тижорат банкларининг «яхши», «қониқарли», «етарли» ва «қониқарсиз» даражада эканлиги борасида маълумот беради. Баҳолашдаги беш балли рейтинг тизими қуйидагилардан иборат, яъни: **1 балл** – банк барча йўналишлар бўйича соғлом, огоҳлантирувчи сигналларнинг аҳамияти йўқ, бошқариш тизимига ўзгартиришлар киритиш шарт эмас, ташқи таъсирлар бўйича молиявий барқарор, назорат органларининг аралашувиغا зарурат йўқлигини кўрсатади; **2 балл** – банк ҳақиқатда соғлом, критик маълумотларнинг аҳамияти йўқ, бошқариш тизимига ўзгартириш киритиш



2-расм. Тижорат банкларининг ликвидлик риски ва ундан ҳимояланиш тадбирлари мажмуи¹³

¹³Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар асосида муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

маълумотларнинг аҳамияти йўқ, бошқариш тизимига ўзгартириш киритиш шарт эмас, ишбилармонлик соҳасида юзага келадиган муаммоларнинг ижобий ҳал этилишини кўрсатади; **3 балл** – молиявий, операцион ва техник муаммолар мавжуд эмас, иқтисодий вазиятлар салбий тенденция бўйича ўзгарганда нуқсонларни бартараф этиш учун назорат органларининг аралашуви зарурат борлигидан далолат беради; **4 балл** – жиддий молиявий муаммолар ва инқироз бўйича эҳтимоллик мавжуд, тўлиқ назорат қилиш ва нуқсонларни бартараф этиш учун аниқ режанинг керак бўлишини кўратади; **5 балл** – банкнинг яқин вақт оралиғида инқирозга учраши бўйича эҳтимоллик мавжуд эканлигини кўрсатади. Рейтингда юзага келган нуқсонлар жиддий бўлган ҳолатларда банк бошқа молиявий манбаларга тезда муурожаат қилишга мажбур бўлади. Бу вазиятларда банк фаолиятига чора кўрмасдан туриб ҳам шу лаҳзанинг ўзида фаолият юритишини тўхтатиши ёки сотиши ёки банкни бошқа банкларга қўшиб юбориши мумкин.


Ушбу тизимдаги қонуният ва мезонлар банкларнинг ликвидлилик даражаси рейтингини мустаҳкамлаш, банкларни инқироздан сақлаш, омонат (депозит)ларнинг беҳуда сарфланишининг олдини олиш, ишончни ошириш, банклар фаолиятини талаб даражасида таъминлаш ва юзага келиши мумкин бўлган рискларга тезда жавоб топишга хизмат қилади.

«Ўзбекистонда тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш йўллари ва истиқболлари» деб номланган бешинчи бобда тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш йўллари, тижорат банклари лаҳзали ва жорий ликвидлилик даражаси ўзгаришининг даврий оралиқларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари, банк ресурслари айланмаси ва таркибининг илмий асосланган прогнози, банкнинг ликвидлилик эҳтимоллик қийматларини табақалаштирилган мезонлар асосида баҳолаш йўли билан ликвидликни баҳолашнинг концептуал модели асослари ишлаб чиқилган ҳамда ликвидлилик рискинни барвақт аниқлаш ва бартараф этишда турли сценарийлар асосида ликвидлилик позицияларини стресс-тестдан ўтказиш услуби такомиллаштирилган.

3-расмда тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солишга қаратилган чор-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Ушбу мажмуанинг банк амалиётига татбиқ этилиши ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш ва уларни сифат жиҳатдан янги ривожланиш босқичига кўтариши мумкин.

Тадқиқотда тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси кўрсаткичларини комплекс баҳолашда эконометрик нуқтаи назардан математик моделлаштириш жараёнида бир қатор базавий ва уларга таъсир этувчи омиллар танлаб олинди. Математик моделлаштириш жараёнида тижорат банклари ликвидлилик кўрсаткичларининг ўсишини белгилаб берувчи меъёр сифатида лаҳзали ва жорий ликвидлилик кўрсаткичлари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар сифатида ликвидли активлар, депозитлар ҳажми, қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира меъёри олинган. Мазкур омилларни $L = \{lav_{it}, dpz_{it}, qms_{it}, mzm_{it}\}$ АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ва АТ «Алоқабанк» тижорат банкларининг 1997-2017 йиллар

кесимидаги панель маълумотларига мос келадиган статистик маълумотлари ташкил этади.



3-расм. Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўллари¹⁴

Тадқиқотда барча ўзгарувчиларни статистик жиҳатдан тавсифий (ўртача арифметик миқдор, стандарт четланиш, ўзгарувчиларнинг минимум ва максимум қийматлари ва ҳ.к.) баҳолаш натижаси ўрганилган йиллар кесимида тижорат банклари жорий ликвидлилик кўрсаткичининг ўртача арифметик миқдори лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичининг ўртача арифметик миқдоридан кўп эканлиги, аммо унинг максимум миқдори лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичининг максимум миқдоридан кам эканлиги аниқланди.

Мазкур ўзгарувчилар стандарт четланиш кўламининг юқори даражадалиги уларнинг бир меъёрга эга эмаслиги, хусусан, лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичининг стандарт четланиши жорий ликвидлилик кўрсаткичининг стандарт четланишидан қарийб 3 баробарга кўп эканлиги ҳамда лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичи 93% дан кам эмаслигини кўрсатди.

¹⁴Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар асосида муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Бу жиҳатлар лаҳзали ликвидлилик билан жорий ликвидлиликнинг бир хил эмаслигидан далолат беради.

Бинобарин, ўзгарувчиларнинг корреляция матрицаси корреляция коэффициентларини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу коэффициентлар натижавий белгилар билан омилли белгилар ўртасидаги алоқадорлик даражасини белгилаб беради. Тадқиқот натижасига кўра, лаҳзали ва жорий ликвидлилик кўрсаткичлари бошқа ўзгарувчилар билан ўзаро ижобий алоқадорликка эга эканлиги, аммо улар ўртасидаги боғлиқлик юқори даражали корреляцияга эга эмаслиги билан аниқланди. Бу жиҳатлар регрессия натижаларида мультиколлинеарлик муаммосининг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Ўзгарувчилардаги даврлар сони кўп бўлганлиги учун улар узун хотирага эга ёки эга эмаслигини аниқлаш мақсадида асимптотиканинг нормал талабларига жавобан статистик маълумотлар бўйича Левин–Лин–Чунинг бирлик илдизи тести ўтказилди. Тест натижасига кўра, ўзгарувчиларнинг биргина лагида ўрганилаётган барча ўзгарувчилар стационар кўринишга эга эканлиги аниқланди.

Панель маълумотлари асосида эмпирик ҳисоблашнинг тасодифий ёки ўзгармас эффектлар усуллари билан бирини танлаб олишда Хаусман тестидан фойдаланилди. Натижага кўра, лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичи $\chi^2 = 28.13$ миқдорни ва жорий ликвидлилик кўрсаткичи $\chi^2 = 5.56$ миқдорни ташкил этди. Бу жиҳатлар лаҳзали ликвидлилик коэффициентларидаги ўзгаришларнинг тизимли кўринишга эга эканлигини кўрсатади.

Тижорат банкларининг лаҳзали (ll_{it}) ва жорий ликвидлилик (jl_{it}) кўрсаткичлари ўсиш даражасининг танланган омиллар мажмуи $L = \{lav_{it}, dpz_{it}, qms_{it}, mzm_{it}\}$ таъсирида ўзгариши кўп омилли регрессион таҳлили орқали амалга оширилди. Регрессион таҳлилдаги маълумотлар базасини инобатга олган ҳолда «Энг кичик квадратлар» усулидан фойдаланиб, қуйидаги регрессия тенгламалари ҳосил қилинди:

Лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичининг ўзгармас эффектлар модели:

$$ll_{it} = \underbrace{29,17}_{[3.31]} + \underbrace{5,43}_{[2.68]} lav_{it} + \underbrace{2,39}_{[3.16]} dpz_{it} + \underbrace{0,43}_{[0.23]} qms_{it} - \underbrace{2,62}_{[0.84]} mzm_{it} + 0,61 ll_{it-1} \quad (4)$$

Жорий ликвидлилик кўрсаткичининг тасодифий эффектлар модели:

$$jl_{it} = \underbrace{38,72}_{[2.67]} + \underbrace{4,57}_{[2.28]} lav_{it} + \underbrace{3,12}_{[1.57]} dpz_{it} + \underbrace{0,87}_{[0.29]} qms_{it} - \underbrace{3,86}_{[0.78]} mzm_{it} + 0,93 jl_{it-1}, \quad (5)$$

бунда α_i – тижорат банкларига тегишли ўзгармас эффектлар; β_i – коэффициентлар; ll_{it} – i та тижорат банкининг t - йилдаги лаҳзали ликвидлилик; jl_{it} – i та тижорат банкининг t - йилдаги жорий ликвидлилик; lav_{it} - t - йилдаги ликвидли активлар; dpz_{it} - t - йилдаги депозитлар ҳажми; qms_{it} - t - йилдаги қайта молиялаш ставкаси; mzm_{it} – t - йилдаги мажбурий захира меъёри; ll_{it-1} – i та тижорат банкининг $t-1$ - йилдаги лаҳзали ликвидлиги; jl_{it-1} – i та тижорат банкининг $t-1$ - йилдаги жорий ликвидлиги; ε_{it} - t - йилдаги стандарт хато.

Ҳисобланган моделлардан кўриш мумкинки, $(lav_{it}, dpz_{it}, qms_{it}, mzm_{it})$ ўзгарувчилар статистик аҳамиятга эга бўлиб, ll_{it} ва jl_{it} - ўзгармас омилларга таъсири сезиларли даражададир. Хусусан, бошқа омиллар ўзгармайдиган шароитда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ва АТ «Алоқабанк» тижорат банклари ликвидли активларининг бир бирликка ошиши лаҳзали ликвидлилик даражасининг 5,43 бирликка, жорий ликвидлилик даражасининг 4,57 бирликка, шунингдек, депозитлар ҳажмининг бир бирликка ошиши лаҳзали ликвидлилик даражасининг 2,39 бирликка, жорий ликвидлилик даражасининг 3,12 бирликка ошишига олиб келади ва ҳоказо.

Тижорат банкларининг лаҳзали ва жорий ликвидлилик кўрсаткичлари ҳамда уларга таъсир этишини тавсифловчи экзоген омилли кўрсаткичлари ўртасидаги умумий регрессион боғлиқлик қонуниятини аниқлашда бажарилган таҳлиллар R - квадрат коэффицентларининг мос равишда 0,76 ва 0,72 га тенг боғлиқликка эга эканлигини кўрсатди.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ва АТ «Алоқабанк» тижорат банклари лаҳзали (ll_{it}) ва жорий ликвидлилик (jl_{it}) кўрсаткичларининг ўсиш даражаси унга таъсир этувчи ликвидли активлар (lav_{it}), депозитлар ҳажми (dpz_{it}), қайта молиялаш ставкаси (qms_{it}), мажбурий захира меъёри (mzm_{it}) бўйича олинган кўп омилли регрессион моделлар барча мезонлар орқали текшириб кўрилди, ва шу асосда уларнинг статистик аҳамиятга эга эканлиги, моделлар параметрларининг ишончли, мультиколлинеарлик ва гетероскедастик хатоликларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Тижорат банклари ликвидлигини мустаҳкамлаш самарадорлигини баҳолашда эътибор қаратиш муҳим бўлган жиҳатлардан бири – банк ресурсларининг такрорий янгиланиш циклик тенденцияси саналади. Бу тенденцияларни амалга ошириш учун банк ресурслари айланмаси ва таркибининг оптималлигини баҳолаш алгоритмлари ва модели таклиф этилган.

Тадқиқот натижасига кўра, АТ «Алоқабанк» нинг йил бошидаги ресурслар таркиби ҳақиқатда 1560543 млн.сўмни, шундан қисқа муддатли ресурслар 853617 млн.сўмни, узоқ муддатли ресурслар 706926 млн.сўмни ташкил этган. Ресурслар миқдорининг муддатига кўра таркибий гуруҳи ўзаро тубдан бутунлай фарқ қилади. Масалан, маълумотларда депозитларга жалб қилинган (сотиб олинган) маблағлар мос равишда 850649 млн.сўмни, шундан қисқа муддатли маблағлар 356425 млн.сўмни ёки 27,32% ни, узоқ муддатли маблағлар 498184 млн.сўмни ёки 37,12% ни ташкил этган. Бу каби ўхшаш ҳолатлар ресурсларнинг бошқа гуруҳлари таркибида ҳам учрайди. Масалан, бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар 202087 млн.сўмни, шундан қисқа муддатли маблағлар 92758 млн.сўмни ёки 6,98% ни ва узоқ муддатли маблағлар 109329 млн.сўмни ёки 8,15% ни ташкил этган.

Айтиш жоизки, банк ресурслари айланмасининг кирим қисмидаги моддалар таркибида депозитга жалб қилинган (сотиб олинган) маблағлар асосий ўринни эгаллайди. Жадвалдаги маълумотларда йил охирида банк бўйича жами ресурслар йил бошига нисбатан 2034684 млн.сўмга ортган,

шундан қисқа муддатли маблағлар 1099020 млн.сўмни ёки 54,01% ни, узоқ муддатли маблағлар 935654 млн.сўмни ёки 45,99% ни ташкил этган.

Муддати ва гуруҳига кўра, банк ресурсларининг кирим ва чиқим қисми таркибидаги ўзгарувчилар динамикасида йилнинг боши ва охирида уларнинг ўртача даврдаги маблағлари ўзаро фарқ қилиб, ресурсларнинг ўртача йиллик миқдори йил охирида қисқа муддатли ресурсларга нисбатан 0,3% га камайган, узоқ муддатли ресурслар эса 0,3% га кўпайган.

Тижорат банклари ликвидлилик эҳтимоллик қийматларининг самарадорлигини баҳолашда эътибор қаратиш керак бўлган муҳим жиҳатлардан яна бири – аналитик моделларнинг услубий асосларини такомиллаштиришга зарурат мавжудлигидир. Шунга кўра, 5-жадвалда тижорат банклари ликвидлилик эҳтимоллик қийматларини таъминлашни баҳолашнинг концептуал моделидан фойдаланиш таклиф қилинган.

5-жадвал

Тижорат банкларининг ликвидлилик эҳтимоллик қийматларини баҳолаш жараёнлари кетма-кетлиги

	Амаллар кетма-кетлигининг асосий мазмуни
1.	Тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолашга доир кўрсаткичлар тўплами танлаб олинади.
2.	Ликвидлиликни баҳолашнинг умумий формуласига корреляция коэффициентининг таҳлили асосида банк кўрсаткичлари кўлами танлаб олинади.
3.	Активлар ва пассивлар оптимал таркибининг мезонлари ва параметрларига асосланиб, ликвидлиликни баҳолашнинг умумий формуласи орқали вазн коэффицентлари аниқланади.
4.	Танлаган кўрсаткичлар кўлами ва уларнинг вазн коэффицентлари орқали банк ликвидлиги даражасини ҳисоблашнинг умумий формуласи тузилади
5.	Тижорат банклари фаолиятининг таҳлил натижаларини формулага киритиш орқали ликвидлилик даражаси рейтинги аниқланади.
6.	Рейтинг динамикаси бўйича регрессия тенгламаси ёрдамида тижорат банкларининг келгуси давр учун мўлжалланган ликвидлилик эҳтимоллик қийматлари прогноз қилиб берилади.

5-жадвалда n та тижорат банкининг ликвидлилик эҳтимоллик қийматларини аниқлаш кетма-кетлиги бўйича R тасодикий миқдор апроксимацияси учун $y_R = a + b t$ кўринишдаги тенгламанинг a ва b коэффицентлари, R тасодикий миқдор бўйича ўртача квадратик четланиш σ қиймати, кўплик корреляция коэффицентлари r_m , келгуси уч ой давомида R_{np} тасодикий миқдорнинг прогноз қиймати, ўртача квадратик четланишнинг прогноз қиймати σ_{np} , Лапласнинг эҳтимоллик интеграллари бўйича нормал тақсимот функцияси аргументининг қиймати s , келгуси уч ой даврида банкларнинг ликвидлилик эҳтимоллик қиймати ω аниқланади.

6-жадвалда банкларнинг ликвидлилик эҳтимоллик қийматлари (ω) нормал тақсимотнинг интеграл функцияси бўйича Лаплас жадвалидан фойдаланиб аниқланади:

$$\omega(a \leq R \leq \infty) = \Phi\left(\frac{\infty - y_R}{\sigma}\right) - \Phi\left(\frac{a - y_R}{\sigma}\right) \text{ ёки } \omega(a \leq R \leq \infty) = 0,5 - \Phi\left(\frac{a - y_R}{\sigma}\right),$$

бунда $\Phi\left(\frac{\infty - y_R}{\sigma}\right) = 0,5$.

Банкларнинг ликвидлилик эҳтимоллик қийматлари 91% – 100% ораликда ишончли банклар; 61% – 90% ораликда қоникарли банклар; 60% дан паст ораликда критик ҳолатдаги банклар сифатида баҳоланади. Бунда қарор қабул қилувчи шахс муқобил вариантлар асосида натижаларни қийслаб баҳолайди. Олинган натижалар қаноатлантирмаган ҳолатларда маълумотлар базасига янги массивли ахборотларни киритган ҳолда кутиладиган натижаларни ҳосил қилиши мумкин.

6 – жадвал

Тижорат банкларининг ликвидлилик эҳтимоллик қиймати натижалари¹⁵

Банк	Тенглама параметри, (a)	Тенглама параметри, (b)	Ўртача квадратик четланиш, (σ)	Корреляция коэффициенти, (r _m)	Рейтинг прогноз қиймати, (R _{np})	ЎКЧлар прогноз қиймати, (σ _{np})	Функция аргументи, (s)	Эҳтимоллик қиймати, (ω)
1-банк	0,6447	-0,0095	0,0888	0,8132	0,4927	0,0888	1,3832	0,9162
2-банк	1,0644	-0,0336	0,1659	0,7847	0,5268	0,1667	0,9404	0,8264
3-банк	0,4388	-0,0037	0,0422	0,6925	0,3796	0,0422	0,2274	0,5871
4-банк	0,4053	0,0084	0,0668	0,8247	0,5397	0,0668	2,5400	0,9945
5-банк	0,7401	-0,0216	0,0555	0,7189	0,3945	0,0556	0,4405	0,6700
6-банк	0,3889	-0,0025	0,0363	0,6876	0,3165	0,0363	0,0173	0,5398
7-банк	0,6832	0,0046	0,1145	0,8425	0,7568	0,1146	3,3787	0,9997
8-банк	0,6499	-0,0063	0,1389	0,8097	0,5491	0,1390	1,2892	0,9015
9-банк	0,4032	-0,0031	0,0399	0,6957	0,3467	0,0399	0,0159	0,5590
10-банк	0,4132	-0,0038	0,0417	0,7086	0,3763	0,0417	0,0257	0,5793
11-банк	0,5376	0,0077	0,1790	0,8347	0,6608	0,1791	1,6241	0,9478
12-банк	0,4946	-0,0045	0,0931	0,7657	0,4226	0,0931	0,5649	0,7139

Демак, 6-жадвалдаги маълумотларга кўра, 1, 4, 7 ва 11-банклар юқори рейтингли (ишончли) банклар; 2, 5, 8, ва 12-банклар ўрта рейтингли (қоникарли) банклар; 3, 6, 9 ва 10-банклар паст рейтингли (шубҳали) банклар эканлигини эътироф этиш мумкин.

Диссертация ишида «GAP-таҳлил» ва стресс-тест усуллари ёрдамида тижорат банклари ликвидлилик позицияларининг стресс-тестларини ўтказиш ва уларнинг оптималлигини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган алгоритмлар таклиф этилган. Ушбу услуб асосида банк рисклари ва уларнинг вужудга келишини барвақт аниқлаш ва бартараф этишда банк ликвидлигини даврий ораликларда мустаҳкамлаб бориш учун турли сценарийларни қўллаган ҳолда қисқа муддатли даврга мўлжалланган илмий прогнози ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларига кўра, юридик ва жисмоний шахслар муддатидан олдин депозит (омонат)ларни ҳамда пластик карточкалар ҳисобварағларидан маблағларни бир пайтнинг ўзида 10% ёки 20% ёки 30% миқдорда ечиб олиб қўйгандаги ҳолатлар баҳоланади. Ҳисоблашларда юзага келган тафовутларни таъминлашда банкка қанча миқдорда маблағ керак бўлиши ҳамда бошқа банк

¹⁵ Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар асосида муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

кредитлари, репо операциялари ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг банк даромадларига қай даражада таъсир этиши амалий жиҳатдан баҳолаб берилади.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқотини бажариш жараёнида тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Тижорат банкларининг ликвидлиги билан боғлиқ атамалар мажмуи (тўловга қодирлик; ишончлилик; барқарорлик; кредитга лаёқатлилик; банк ликвидлигини тартибга солиш тамойили; банк ликвидлигининг меъёрий-ҳуқуқий асослари)нинг илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилиши истиқболда банкларнинг ликвидлилик фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

2. Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш тамойиллари (банк активлари ва пасивларининг муддати ва миқдорига қўра мутаносиблиги; банк мажбуриятларининг ўз вақтида тўлиқ ва йўқотишларсиз таъминланганлиги; банк ликвидлигини ҳуқуқий тартибга солиш ва марказлашган тарзда бошқариш; банк ликвидлигини мустаҳкамлашда тўловларнинг даврий кетма-кетлиги; банк мажбуриятларини ўз вақтида йўқотишларсиз тўлиқ бажаришда тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг такомиллашуви; банк ликвидлигини мустаҳкамлашда иштирок этувчи субъектларнинг молиявий ва мулкӣ жавобгарлиги) банклар ликвидлигининг услубий асосларини такомиллаштириш имконини беради.

3. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш восита ва усуллари хос хусусиятларнинг аниқланиши ликвидлилик эволюциясининг моҳиятини тўлароқ изоҳлаб беришга хизмат қилади.

4. Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, биринчидан, омилларнинг муайян бир гуруҳини алоҳида таҳлил қилиш мумкин эмас, иккинчидан, банк фаолиятининг динамикаси базасида таҳлил асосида банк ликвидлигининг истиқболини белгилаш мумкин, учинчидан, тижорат банкларининг ликвидли фаолиятини миқдорӣ баҳолаш, операциялар кўлами ва сифатли параметрларни баҳолаш асосида ликвидлилик ҳолатини ўзгартириш мумкин, тўртинчидан, банк фаолиятини тавсифӣ баҳолашда активлар сифати, депозитлар барқарорлиги, капиталнинг мустаҳкам базаси ва рискка тортилган активлар салмоғининг ликвидлилик даражасига таъсир этишини кузатиш мумкин. Бу жиҳатлар банк фаолиятида мутаносибликни сақлайди, пировардида, банк ликвидлиги даражасининг умумӣ ҳолати тавсифланади, бешинчидан, банк ликвидлиги бўйича халқаро банк амалиётининг илғор тажрибаларини Ўзбекистон банк амалиётига мослаштирмай фойдаланиш мумкин эмас.

5. Банк ликвидлиги самарадорлигини баҳолаш тизими халқаро банк-молия институтлари томонидан таклиф этилган методикалар ва ликвидлилик

рискига қўйиладиган талабларга асосланади.

6. АҚШ Федерал захира тизими пул-кредит сиёсатининг анъанавий воситаларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланган ҳолда банк ликвидлилигига таъсир этиши; Япония Марказий банкининг умумий талабларини рағбатлантиришга қаратилган экспансионистик монетар сиёсати доирасида банк тизимининг ликвидлилигини тартибга солиши; Англия Марказий банки, Германия Бундесбанки, АҚШ Федерал захира тизимининг очиқ бозор операцияларини амалга ошириши; Россия Марказий банкининг қайта молиялаш сиёсати орқали банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиши ва пул массасининг мультипликатив кенгайтишини таъминлаши борасидаги тажрибаларидан республика тижорат банклари ликвидлик даражасининг услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

7. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, хорижий банкларнинг ликвидлик даражаси кўрсаткичларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолият самарадорлиги миллий тижорат банкларига нисбатан юқори даражада эканлиги аниқланди. Яъни хорижий банкларнинг ликвидлик даражаси кўрсаткичларининг самарадорлик жиҳатларидаги нисбий устунликлар очиқ бозор сиёсати ҳамда банк ресурсларига боғлиқ эканлиги асосланди.

8. Эконометрик тадқиқотлар асосида республика тижорат банкларининг ликвидлик кўрсаткичлари бўйича кўп омилли чизиқли регрессия, банк ресурслари айланмаси ва таркиби ҳамда ликвидлик эҳтимоллик қийматларини баҳолашнинг концептуал модели тузилди. Ушбу модель асосида банкларнинг ликвидлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик даражаси, банк ресурсларининг циклик такрорий янгиланиши асосида улар ҳажмининг даврий кўпайиши, банкларнинг ликвидлик эҳтимоллик қийматларини таъминлаш услуби ва уларнинг яқин келажакдаги истиқболга мўлжалланган илмий прогнози ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда ҳосил қилинган коэффицентларга кўра, миллий тижорат банкларининг ликвидлик кўрсаткичларига ликвидли активлар, депозитлар ҳажми, қайта молиялаш ставкаси, мажбурий захира меъёри, депозитларга жалб қилинган маблағлар, бошқа банклардан олинадиган ва уларга тўланадиган маблағлар, муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича маблағлар, активларга жойлаштирилган маблағлар ва чиқим қилинадиган бошқа маблағлар кучли таъсир этувчи омиллар эканлиги аниқланди. Шунингдек, банклар ликвидлилигининг эҳтимоллик қийматлари асосида 91-100% оралиқдаги банклар ишончли; 61-90% оралиқдаги банклар қониқарли; 60% дан паст оралиқдаги банклар критик ҳолатдаги банклар сифатида баҳоланди.

9. «GAP таҳлили» ва стресс-тест тадқиқотлари асосида тижорат банклари ликвидлик позицияларининг стресс-тестларини ўтказиш услуби такомиллаштирилди. Ушбу услуб асосида банк рисклари ва уларнинг вужудга келишини барвақт аниқлаш ва бартараф этишда банкнинг ликвидлик даражасини баҳолаш учун турли сценарийларни қўллаган ҳолда

назорат қилиш услуги такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, юридик ва жисмоний шахслар муддатидан олдин депозит (омонат)ларини ва пластик карточкалар ҳисобварағларидан маблағларни бир пайтнинг ўзида 10%, 20% ва 30% миқдорда ечиб олиб қўйгандаги ҳолати ва мавжуд тафовутларни таъминлашда қанча миқдорда маблағ керак бўлиши баҳоланди.

10. Тижорат банкларининг ликвидлигини мустаҳкамлаш ва ресурслар ҳажмини ошириш мақсадида биринчидан, суғурта компаниялари ҳамда пенсия фондларининг бўш пул маблағларини паст фоизли ставкаларда банкларнинг муддатли депозитларга жойлаштириш; иккинчидан, ҳукуматнинг пул маблағларини тижорат банкларининг устав капиталларига жойлаштириш ва унинг ҳажмини такрор кенгайтириш зарур.

11. Тижорат банклари баланларида муаммоли ва муддати ўтган активлар кўпайиши, ресурслар ҳажмининг камайиб кетиши, қарздорга бўлган ишончликнинг йўқолиши ҳамда рискли активларнинг юзага келиши уларнинг ликвидлилик даражасининг заифлашувига сабаб бўлади.

12. Тижорат банкларининг активлари таркибидаги қисқа муддатли кредитлар салмоғининг умумий кредитлар салмоғида юқори миқдорда бўлиши банкларнинг жорий ва келгуси даврдаги ликвидлилик даражасига кескин таъсир этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУЛЛАЕВ АЛТИНБЕК ЯНГИБАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ
ЛИКВИДНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора экономических наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Iqt55.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбек., рус., англ.) на веб-сайте Учёного совета (www.bfa.uz) и «ZiyoNet» Информационно-образовательном портале (www.zivonet.uz).

Научный консультант: **Каримов Норбой Ганиевич**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Жумаев Нодир Хосиятович**
доктор экономических наук, профессор

Бобакулов Тулкин Ибадуллаевич
доктор экономических наук, профессор

Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук

Ведущая организация: **Самаркандский институт экономики и сервиса**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.15.01. при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете. По адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. e-mail: info@bfa.uz. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01.

С диссертацией доктора наук (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрировано за №___). По адресу: По адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел: (99871) 237-53-25, e-mail: info@bfa.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года
(реестр протокола за №___ от «___» _____ 2018 года).

А.Ш. Бекмуродов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.э.н., профессор

У.В. Гафуров
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.э.н., доцент

Н.М. Махмудов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Устойчивое развитие экономики страны во многом зависит от уровня твёрдой обеспеченности ликвидности банковской системы. На сегодняшний день под влиянием продолжающегося кризиса в национальной экономике стран мира, международного признания национальных денежных рынков в привлечении инвестиций, активизации процессов глобализации наблюдается тенденция ослабления уровня ликвидности банковской системы стран, несбалансированность активов и пассивов банков, и в конечном счете, национальные экономики попадают в состояние рецессии. В настоящее время влияние кризиса в банковской системе большинства зарубежных стран заметно возрастает. В частности, такие негативные тенденции наблюдаются в банковских системах таких стран, как Греция, Ирландия, Португалия, Испания, Кипр¹. Это свидетельствует о том, что для укрепления ликвидности банковской системы в стране, в первую очередь, необходимо формировать денежный рынок, укрепить стабильную ресурсную базу, улучшить качество активов банка, обеспечить финансовыми ресурсами нехватку средств на корреспондентских счетах банков и филиалов, увеличить долю инвестиций в высоколиквидные ценные бумаги, повысить надёжность и укрепить конкурентоспособность между банками.

В условиях возможного кризиса глобального масштаба усиливается необходимость совершенствования эластичности деятельности банковской системы, раннее выявление возникающих шоковых ситуаций, укрепление адекватности высоколиквидных активов, обеспечение превращения активов в наличные деньги, стабильное финансирование средствами неликвидных активов и ценных бумаг, регулирование требований к ликвидности на основе различных сценариев в течение следующих 30 календарных дней. Особое внимание уделяется мерам по финансированию стабильной задолженности, финансированию резерва ликвидных активов краткосрочными средствами, применению в банковской системе адаптированных видов первичного сигнала опасности и систем безопасности для финансирования долгосрочных активов из стабильных источников, решения проблем, возникающих в структуре активов и пассивов, предотвращение риска ликвидности.

В условиях интенсивных экономических реформ в Узбекистане ведутся широкомасштабные работы по поддержанию уровня ликвидности банковской системы и обеспечению её стабильности. Осуществляются ряд мер по развитию банковской системы, в том числе, по совершенствованию правовых основ и инфраструктуры, привлечению инвестиций, увеличению доли инвестиций в высоколиквидные ценные бумаги, трансформацию излишка краткосрочных ресурсов в условиях нехватки долгосрочных ресурсов, увеличению доли срочных и сберегательных вкладов в депозитной базе банков, сокращению просроченных проблемных кредитов. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики

¹ <https://www.ecb.europa.eu>

Узбекистан в 2017-2021 годах в качестве одного из основных направлений определена «поддержка достаточности средств и показателя уровня ликвидности коммерческих банков согласно требованиям Базельского комитета по банковскому надзору»². Реализация данных задач требует необходимость обеспечения финансовой стабильности и укрепления уровня ликвидности коммерческих банков в Узбекистане.

Данное диссертационное исследование в определённой степени послужит решению задач, предложенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5177 от 2 сентября 2017 года «О первоочередных мерах по либерализации валютной политики» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2344 от 6 мая 2015 г. «О мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости коммерческих банков и развитию их ресурсной базы», №ПП-3270 от 12 сентября 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы республики», а также в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в рамках проекта ППИ-2 - «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирование гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики» в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Теоретико-методические исследования, направленные на совершенствование уровня ликвидности коммерческих банков, и их методологические основы, создание достаточных условий для обеспечения финансовой устойчивости банков ведутся ведущими научными центрами и высшими учебными заведениями, включая Harvard University, World bank, University of Chicago, International Monetary Fund (США), Monetary and Economic Studies (Япония), Basel Committee on Banking Supervision (Швейцария), University of Namibia (Намибия), European Bank for Reconstruction and Development, Oxford University (Великобритания), Hanyang University (Южная Корея), Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов (Россия).

Проведёнными в мире исследованиями в области укрепления ликвидности коммерческих банков получены несколько результатов, в том числе, следующие: на основе модели Кейнса научно-обоснована прямая и обратная функциональная связь потребности экономики в наличных деньгах и размеров процентов в качестве одного из предположений теории

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» . –www.lex.uz.

³ Обзор научных исследований по теме диссертации подготовлено на основе следующих источников: <https://www.harvard.edu/>; <https://www.boj.or.jp/en/>; <https://www.bis.org/bcbs/>; <http://www.unam.edu.na/>; <http://www.worldbank.org/>; <http://www.imf.org/external/index.htm>; <http://www.hanyang.ac.kr/web/eng/>; <http://www.ebrd.com/home>; <https://www.uchicago.edu/>; <http://www.ox.ac.uk/>; <http://unecon.ru/>; <http://www.rgsu.net/>

«предпочтения ликвидности» (Harvard University, США); выявлена и проведена оценка повышения уровня эффективности распределения сберегательных средств путём воздействия методами регулирования ликвидности финансовых учреждений (Bank of Japan, Monetary and Economic Studies, Япония), обоснованы методологические аспекты совершенствования управления рисками ликвидности (Basel Committee on Banking Supervision, Швейцария), выявлено и оценено влияние макроэкономических показателей, таких как реальный валовой национальный продукт страны, валютная политика и влияние инфляции на ликвидность коммерческих банков (University of Namibia, Намибия); обосновано совершенствование монетарной политики путём увеличения видов операций на открытом рынке Центрального банка, усиления влияния инструмента рефинансирования на ликвидность банков (Nanyang University, Южная Корея); определены и оценены направления обеспечения и регулирования ликвидности банков на основе обобщения опыта иностранных банков в регулировании ликвидности коммерческих банков (Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, Россия).

В мире проводятся ряд исследований в области совершенствования методологических, научно-теоретических, методических и практических основ ликвидности банковской системы, в том числе по таким приоритетным направлениям, как: недопущение резкого повышения уровня риска ликвидности банковской системы в условиях финансово-экономического кризиса; повышение роли показателя ликвидности в коммерческих банках в укреплении финансовой стабильности банковской системы; повышение эффективности использования инструментов монетарной политики для обеспечения уровня ликвидности коммерческих банков; достижение бесперебойной платежной системы путем обеспечения ликвидности банковской системы; поддержание показателя уровня ликвидности коммерческих банков согласно требованиям Базельского комитета по банковскому надзору.

Степень изученности проблемы. Особенности и методологические аспекты повышения ликвидности коммерческих банков изучены учёными ведущих зарубежных стран, такими как A.Bangia, P.Bernstein, P.Brockman, D.Covitz, D.Chung, C.Downino, F. Diebold, P. Decker, L.Erzegovesi, T.Schuermann, J.Stroughair, A.Subramanian, K.Huang, F.Fernandez⁴.

В научных работах учёных Содружества Независимых Государств Л.А.Аскеровой, Б.А.Базырова, Н.П.Белотеловой, И.А.Борисовой, А.Е.Гусевой, М.Б.Диченко, М.В.Зайкова, В.В.Иванова, Е.Н.Котлярова, Е.Ю.Ляльковой,

⁴ Bangia, A., Diebold, F., Schuermann, T., and Stroughair, J. (1999) "Modeling liquidity risk with implications for trading market risk management," Working Paper, University of Pennsylvania; Bernstein, P. (1987) "Liquidity, stock markets, and market-makers," Financial Management, Summer; Brockman, P. and Chung, D. (2001) "Managerial timing and corporate liquidity: evidence from actual share repurchases," Journal of Financial Economics, Vol. 61, No. 3 (Sept); Decker, P. (2000) "The changing character of liquidity and liquidity risk management," Chicago: Federal Reserve Bank of Chicago; Covitz, D. and Downino, C. (2002) "Insolvency or liquidity squeeze? Federal Reserve Bank Bulletin, Washington, DC: FRB; Erzegovesi, L. (2002) "Var and liquidity risk," Working Paper, University of Trento, Italy; Fernandez, F. (1999) "Liquidity risk: new approaches to measurement and monitoring," Working Paper, Securities Industry Association; Gorton, G. and Huang, K. (2002) "Liquidity, efficiency, and bank bailouts," Working Paper, University of Pennsylvania; Jarrow, R. and Subramanian, A. (1997) "Mopping up liquidity risk," Risk, Dec.10.

